



УЗОҚНИ КЎЗЛАБ ЮРИТИЛАЁТГАН ОҚИЛОНА СИЁСАТ САМАРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида улкан салоҳиятга эга. Мамлакатларимизнинг ушбу соҳадаги ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетида очилган Жавоҳирлаб Неру номидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази ушбу соҳадаги фаол ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир. Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ташкил этилган Ҳиндистон маркази таълим соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тереза СИД номин, Лиссабон университети проректори (Португалия):

Ушбу сафаримиз асосида Ўзбекистон таълим тизими ҳақида фойдали ва зарур маълумотларга эга бўлдим. Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёт соҳасида устувор деб эълон қилинган узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсатнинг самарасидир. Мамлакатингиз таълим тизимида менга жуда манзур бўлган жиҳатлардан яна бири шундан иборатки, таълимнинг узлуksизлиги ва изчиллиги, умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг мажбурийлигидир. Ёшлар тўққиз йиллик мактаб таълимидан сўнг уч йиллик ўрта махсус касб-хунар коллежлари ёки лицейларда таълимни давом эттиради. Бундай махсус фан ва соҳаларга йўналтирилган коллежлар ўқувчи-ёшларнинг муайян соҳа, касб-хунарга оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Португалияда таълим тизими хусусий мактаб ва университетлардан иборат. Ўзбекистонда эса давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очкилигига ҳавас қилмасдан бўлмайди. Чунки давлатга қарашли мактаб ва олий ўқув юртиларида таълим бериш даражаси ва сифати хусусийларга нисбатан анча юқори ва ишончлидир.

Бунга мен Тошкентдаги 50-умумтаълим мактаби ва Тошкент молия институти фаолияти билан ақиндан танишимни асосида яна бир бор амин бўлдим. Таълим даргоҳларида яратилган шароитлар халқаро талабларга мос.

Андрей ЧЕБИКИН, Санъат ва архитектура академияси президенти (Украина):

Таълим соҳасини тараққий эттиришда катта воқеа бўлган мазкур конференцияда қатнашиш билан бирга, Ўзбекистондаги бир қатор таълим масканлари фаолияти билан танишдим, ўқув жараёнида бевоcита қатнашдим. Тошкент геодезия ва картография касб-хунар коллежи, 1-республика тиббиёт коллежи ва Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб, ўқувчилар, талаба-ёшларга яратилган кенг шароитларни кўриб, лол қолдим. Айниқса, 1-республика тиббиёт коллежи тиббиётда қўлланиладиган замонавий технологиялар билан жиҳозлангани, махсус ўқув хоналари, жаррохлик бўлимининг мавжудлиги менда катта таассурот қолдирди. Бу ерда ўқувчилар назарий билим олиш баробарида, амалий тажрибасини ҳам оширмоқда. Мени кувонтирган яна бир ҳолат, мазкур таълим масканининг ўқувчилари хорижий тилларни ҳам пухта билишидир.

Андре ЭРВБЕ, Париждаги «Пантеон Сарбонна» университети вице-президенти (Франция):

Ўзбекистон истиқлолга эришганидан буён ўтган вақт мобайнида барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди. Айниқса, таълим соҳасида эришилаётган ютуқлардан халқингиз ҳар қанча фахрланса арзийди. Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, жумладан ёшларнинг билим олиши учун яратилган кенг имкониятлар ҳар қандай кишида ҳавас уйғотади. Илғор технологиялар билан жиҳозланган замонавий таълим масканларини барпо этиш борасида қабул қилинган қонунлар, ишлаб чиқилган дастурлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Ўзбекистон ва Франция таълим йўналишида кўп йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келаётди. Бу ҳамкорликнинг изчил давом эттиришдан манфаатдормиз.

Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, ёш олди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўқувчилар дунёнинг турли давлатларидан келган меҳмонларни кўларини кўксиларига қўйиб, «Ассалому алайкум» деб, самимий кутиб олдилар. Мамлакатимиз мактаблари фақат ўқувчиларнинг шарқона одоб-ахлоқи билангина ажралиб турмайди. Уларда ўқувчиларнинг замонавий талаблар асосида билим олиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Масалан, 8-синф ўқувчилари информатика дарсида компьютер дастурлари бўйича ўз билимларини намоиш этган бўлса, уларнинг ука ва сингиллари – 4-синф ўқувчилари эса табиатшунослик дарсида меҳмонларга Ўзбекистоннинг таби-

Киркам. – Менинг мамлакатингизга учинчи марта келишим ва ҳар сафар ташрифим давомида таълим тизимида кўзлаб янги ва фойдали ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Мен Ўзбекистон давлат таълим стандартлари жаҳон стандартларига тўлиқ мос келади, деган фикрданман.

Халқаро конференция иштирокчилари 12 йиллик узлуksиз таълим тизими ҳаётга муваффақиятли татиқ этилаётган пойтахтимиздаги Тошкент алоқа касб-хунар коллежида ҳам бўлишди. Мазкур ўқув юртида коммутиация тизимлари, алоқа линиялари, рақамли узатиш тизимлари, радиоалоқа, радиода овоз ёзиш ва телевидение, почта ало-

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ – ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИДА

ий бойликлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Мазлумки, ўқитишнинг ноанъанавий, интерфаол услублари бугун дунёда кенг оммалашмоқда. Олмазор туманидаги 243-умумтаълим мактаби ҳам бундан мустасно эмас. 9-синфда ўтказилган тарих дарси бунга яққол мисол бўла олади. Дарс пайтида бу йил мактабини битирадиган ўқувчилар жамоаларга бўлиниб, мамлакатимизнинг энг янги тарихига доир билимларини бойитдилар.

Шунингдек, меҳмонлар физика ва кимё синфларида бўлиб, лаборатория машғулотлари, мактабда ташкил этилган фан тўғрисидаги фаолияти билан яқиндан танишдилар. Таъкидлаш керакики, 243-умумтаълим мактабида ўқувчиларга инглиз, рус ва корейс тиллари чуқур ўргатилади. Шу боис ҳам ўзига хос тайёргарлик курси ҳисобланадиган корейс тили тўғрисида 2-5-синф ўқувчиларининг қизиқиши катта. Ўзи ҳақида корейс тилида сўзлаб берган 5-синф ўқувчиси Абдуллоҳ Абдуллаевни хорижлик меҳмонлар қарсақлар билан олқишладилар.

– Ўзбекистон таълим тизими таҳсинга лойиқ, – дейди Буюк Британия инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси президенти Лесли

қаси воситаларига хизмат кўрсатиш, шунингдек, менежмент ва бухгалтерлик ҳисоби бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Ўқувчилар ўқишни тамомлагач, ўз касбини мукаммал эгаллаган мутахассислар сифатида радио, теле, почта ва уяли алоқа муассасалари ҳамда ташкилотларига ишга қабул қилиниши мумкин.

– Ўзбекистон таълим тизими ҳақида кўп эшитганман, – дейди Австрия парламенти аъзоси, Австрия миллатлараро ҳамжиҳатлик жамияти президенти Жозеф Хоштл. – Ҳақиқатан ҳам, мамлакатингизда истиқлол йилларида таълим соҳасида эришилган ютуқлар таҳсинга сазовор. Бу ердаги барча ўқув юртиларида тилларни ўрганишга катта эътибор берилаётгани бизни кувонтирди. Зеро, бу ҳозирги глобаллашув ва интеграциялашув даврида мамлакатингиз илмий салоҳияти учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Мен Ўзбекистонда таълим тизими жаҳон стандартлари даражасида эканига ишонч ҳосил қилдим.

С.ТОЖИЕВ, ЎА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2009 йил 11 сентябрдаги «Умумтаълим муассасаларида Фан ойликларини ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғига кўра февраль ойи математика ва информатика фанлари ойлиги деб белгиланди.

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ушбу ойлик давомида электрон дарсликлар ва дарс ишланмаларини, электрон кўргазмалар воситаларининг таълим мазмунини бойитишдаги ўрнини очик дарсларда намоиш қилиш аҳамиятлидир.

Шунингдек, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўқувчилар билим ва кўникмаларини юқори кўрсаткичга олиб чиқаётган ижодкор, фидойи ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш ҳамда уларнинг ўқув жараёнида юқори кўрсаткичга эришиш услубларини туман миқёсида тарғиб қилиш борасида тadbирлар ва семинарлар ташкил этилиши ҳам муҳимдир.

Худди шу мақсадни кўзлаб Бектемир тумани ХТМФМТ ва ТЭБ тасарруфидоги 292-умумий ўрта таълим мактабида математика-информатика фанлари ойлигига бағишланган «Математика ва информатика дарсларида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш» мавзусида туман миқёсида семинар ўтказилди. Унда тумандаги 289, 290, 291, 293-мактабларнинг математика ва информатика фанлари ўқувчилари ва туман ХТМФМТ ва ТЭБ ходимлари иштирок этдилар.

Семинар ўқувчиларнинг математика ва информатика фанига бўлган қизиқишларини ошириш ва мустақил ишлашга ўргатиш мақсадида ташкил этилиб, тadbир давомида тажрибали ўқитувчилар долзарб мавзуларда очик дарслар ўтказишди. Бу дарсларда янги педагогик технологиялардан фойдаланиб, «Ақлий ҳужум», «Баҳс-мунозара», «Занжир машини», «Сирли сандиқча», «Зиг-заг стратегияси», «Чархпалак» каби ўқитишнинг ноанъанавий усуллари ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилди.

Мактабнинг физика фани ўқитувчиси, фахрий устоз Г. Дуйсенова 8-А ва 8-Б-синфлар ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» беллашувини ташкил этди. Ўтилган очик дарслар ва тadbирлар туман ўқитувчилари ва ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ



Ўқув муассасаларида КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Юртимизда ўз иқтидорлари билан дунёнигоҳида ёрқин из қолдираётган, мамлакатимиз нуфузини янада оширишда етакчи бўлишга ҳаракат қилаётган ёш авлод учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган, қулайликлари бисёр мактаблар кўп.

Миробод туманидаги 125-мактаб директори ўринбосари Камола Азимбоева бу ҳақда шундай дейди. – Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг амалдаги ижроси натижасида бугунги кунда мактабларимизда ўқувчилар учун етарлича қулайлик ва имкониятлар яратилган. Шахримизда бўлиб ўтаётган «Юксак билимни ва интеллектуал

ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро анжуман қатнашчилари ҳам бу ҳақда ўзларининг илиқ фикрларини беришига ва керак бўлса бизнинг тажрибаларимиздан умумий фойдаланишларига ишонамиз. Бизнинг мактабимизда ҳам нафақат ўқувчиларимиз, балки ўқитувчи-

лар ҳам улкан ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ўтган йили ҳамкасбларимиз Дилноза Ҳасанова, Озода Саидова, Шарифа Жўрабоевалар «Йил ўқитувчиси — 2011» кўрик-танловининг шаҳар босқичида биринчи, иккинчи, учинчи соврилли ўринларни қўлга киритдилар. Ўқувчиларимиз эришаётган ютуқлар эса алоҳида эътирофга лойиқдир.

Дарҳақиқат, келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларнинг етарлича билим олишлари ва юртимизнинг истиқболли порлоқ эгалари бўлиб етишишлари учун барча шароитлар яратилган.

Биргина 125-мактаб мисолида олиб қарайдиган бўлсак, 1190 нафар ўқувчилар таҳсил олаётган бу ўқув масканида ёш авлоднинг комил инсонлар қилиб вояга етказиш борасида 60 нафардан ортққ ўқитувчилар самарали меҳнат қилмоқда.

Ўйлаймики, икки кун давом этдиган Халқаро анжуман давомида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртилари мисолида, келажақ авлоднинг нурли ҳаёти янада ёрқинроқ асқа этади.

Гулчехра ДУРДИЕВА 125-мактаб ҳаётидан лавҳа

Козим Ўлмасов олган сурат

Таълим

МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИ

Халқимизнинг бой мероси, умуммиллий қадриятлар, замонавий маданият, иқтисодиёт, илм-фан, техника ва технологиялар ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш мамлакатни юксалтиришнинг муҳим шартидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Таълим тўғрисида»ги қонунда ҳар бир фуқаронинг сифатли таълим олиш ҳуқуқи кафолатланган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий тажрибани таҳлил қилиш асосида ва жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, юксак маданият, ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил ҳаракат қила оладиган, ўз олдида истиқболли вазифаларни қўйиш ҳамда уларни ҳал этишга қодир мутахассисларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Узлуksиз таълим тизимида олий таълимга алоҳида эътибор қаратилган. Нафақат билимни, ҳар қандай шароитда ҳам самарали ишлашга қодир ва рақобатдош мутахассисларни тайёрлаш, балки ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш ушбу таълим соҳасининг асосий вазифаларидандир. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида айнан шундай мутахассислар тайёрланмоқда. Университет битирувчилари орасида давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан ва ишлаб чиқариш ташкилотчилари кўпчилиги ташкил этиши ҳам шундан далалатдир.

Бугунги кунда бу ерда 10 мингдан зиёд талаба билим олмақда. Уларга 1200 нафар профессор-ўқитувчи, жумладан, 17 нафар академик, 197 нафар фан доктори ва 513 нафар фан номзоди таълим бермоқда.

Кадрлар тайёрлаш соҳасида бой тажриба ва катта салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон Миллий университети жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига чуқур интеграциялашган. Хусусан, мазкур олий ўқув юрти хориждаги етакчи университетлар билан ҳамкорлик қилаётди. Ушбу йўналишда халқаро таълим дастурлари ва лойиҳалари, қўшма илмий-тадқиқот фаолияти амалга оширилмоқда, илмий-амалий семинар ҳамда конференциялар ўтказилмоқда. Узро ўқитувчи ва талабалар алмашилмоқда.

Бу олий ўқув юртининг юксак обрў-эътибори ва кенг имкониятлари бўлажак «Юксак билимни ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференцияда яна бир бор намоён этилди.

Университетнинг кадрлар тайёрлаш жараёнида юксак мезонлари Ўзбекистонда олий маълумот олишга интилаётган хориж ёшларини ўзига жалб этмоқда. Бунга Ханкук (Корея Республикаси) хорижий тиллар университетининг битирувчиси, Ўзбек филологияси факультети магистратурасида ўқишни давом эттирган Ли Че Рин ёрқин мисол бўла олади. Бу киз ўзбек тили, адабиёти, халқимизнинг турмуш тарзи ва ўзига хос ҳуқуқларини катта қизиқиш билан ўрганди. Узининг тинимсиз интилиши ва қатъияти туфайли магистратура ни ало баҳолар билан тамомлади ҳамда ўзбек тили лингвистикасининг магистри даражасига эришди. Айни пайтда Ли Че Рин Корея Республикасидаги йирик компанияда ишламоқда ва ўзбек тили бўйича ўз билиминини мустаҳкамламоқда.

Университетда фундаментал тадқиқотларни муваффақиятли ўтказиш мақсадида хориқ ўқув юрти билан яқин алоқалар йўлга қўйилган. Миллий университетнинг кўплаб олимлари чет элда ўтаётган илмий-амалий конференцияларда қатнашмоқда. Грантлар асосида ҳар йили илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Масалан, 2011/2012 ўқув йилида университет академик тезкорлик бўйича «Эрасмус Мундус» халқаро дастури доирасида МАНЕКА лойиҳасини қўлга киритди. Мазкур лойиҳа бўйича олий ўқув юртидан 15 нафарга яқин олим ҳамда тадқиқотчи Берлин ва Вильно техника университетлари, Бельгиянинг Лессуси, Словакиянинг Константин Философ университетлари ва Европанинг олий ўқув юртиларида тажриба ошириш ва оширмоқда.

Ўзбекистон Миллий университети мамлакатимизда таълим ва илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган билим даргоҳидир. Бугун бу ердаги 18 ўқув лабораториясида кимё, биофизика, математик моделлаштириш, генетика, компьютер диагностикаси, амалий экология, табиий ресурслардан оқилон фойдаланиш ва бошқа йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

Олий ўқув юртида иқтидорли талабаларга, айниқса, жиддий эътибор берилмоқда. Уларни рағбатлантириш мақсадида Давлат бюджетидан катта ҳажмдаги маблағлар ажратилмоқда. Айни пайтда талабалардан 20 нафардан ортққ Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, 22 нафари Алишер Навоий номидаги, 20 нафари Мирзо Улуғбек номидаги ва яна уч нафари Абу Райхон Беруний номидаги стипендиялар соҳибларидир. Шунингдек, 1,5 миң нафардан ортққ талаба эса университет стипендиясини олмақда.

– Ҳар томонлама баркамол ёш авлоднинг тарбиялаш турли маънавий-маърифий тadbирлар, спорт мусобақалари, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш билан бевоcита боғлиқдир, – дейди университет проректори Қаҳрамон Куронбоев. – Университетимизда таълимни инсонпарварлаштириш анъаналари қайта тикланди, комил шахсни тарбиялашда муҳим ўрин тутадиган университет маънавий-маърифат кенгаши фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир талаба билан «Устоз-шогирд» услуби асосида алоҳида иш олиб боришмоқда. Бу эса ёш авлоднинг катталар тажрибасидан баҳраманд этиш имконини бераётди. Шунингдек, Маънавий ва маърифат маркази қайта ташкил қилинди. Марказ фаолиятининг асосини давлатимиз раҳбарининг асарларида баён қилинган ғоялар ташкил этади.

Университетда ишлаб чиқилган ва ижтимоий-сиёсий соҳада ёшларнинг маънавий фаолигини ошириш тизими асосида талабаларнинг ўқшдан буш вақтида бандлигини таъминлаш каби муҳим масалани ҳал этишга қаратилган чора-tadbирлар комплекси бунга яққол мисол бўла олади. Университет Маданият саройида фаолият кўрсатаётган 23 тўғрақда 500 нафардан ортққ йигит-қизлар шуғулланмоқда. Бундан ташқари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва талабалар касбабо уюмчаси иштирокида турли йўналишлар бўйича 600 дан зиёд тadbир ўтказилмоқда. Уларни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад – ёшларнинг маданий дам олишини ташкил қилиш, уларнинг сиёсий фаолиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишдан иборат.

Олий ўқув юртида талабаларни соғлом турмуш тарзи талабалари асосида тарбиялаш ишлари ҳам самарали йўлга қўйилган. Бу ерда 6 ёпик ва 17 очик спорт иншооти талабалар ихтиёрига берилган. Спорт заллари ва майдонлари реконструкция қилиниб, зарур спорт инвентарлари билан жиҳозланган. Университетдаги 20 дан ортққ спорт секцияларида тўрт миңдан зиёд йигит-қизлар шуғулланмоқда. Талабалар мамлакатимизда ва халқаро майдонларда ўтказилаётган кўплаб спорт мусобақаларида соврин ва мукофотларга сазовор бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёш авлоднинг тарбиялаш бўйича ўз зиммасига юклаган вазифани муваффақият билан бажариб келмоқда ва, шак-шубха йўқки, «Юксак билимни ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам ўзининг юксак салоҳиятини муносиб намоиш этди.

М.МАМЕТОВА, ЎА мухбири

Кўп асрлик тарих, бетакорр маданият ва анъаналарга эга мамлакатимизнинг жаҳон сайёҳлик бозоридagi нуфузи тобора ошиб бормоқда. Юртимиз туризм соҳасида нафақат Европа давлатлари, балки Осиё мамлакатлари билан ҳам яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Пойтахтимизга ташриф буюрганлар доимо шаҳарнинг ўзгача бир муҳити, пойтахт аҳолисининг хушмуомалалиги, меҳмондўстлиги, ажойиб тарихий ёдгорликлари ва ўз навбатида, бу ерда меҳнат, турмуш, ҳордиқ учун яратилган шароитлардан баҳра олади...

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда барча соҳалар сингари сайёҳликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикаимиз сайёҳлик кўлами ва тарихий жойларнинг кўплиги буйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликка эга бўлиб, уларнинг бир қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган, буюқ аждодларимиздан мерос бу бебаҳо обидаларнинг асрлар оша дунё ахлини ўзига мафтун этиб келатгани қалбимизни ғурурга тўлдирди.

Юртбошимизнинг «Бизнинг пойтахтимиз халқимизнинг юзидир. У гўзал ва замонавий мегаполис бўлиши керак» деган сўзлари замирида чуқур маъно мужассам. Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида ноқ Тошкент шаҳрида пухта тузилган режа асосида узок йилларга мўлжалланган улғувор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айни пайтда пойтахтимиз замонавий, гўзал, обод ва кўркем йирик шаҳар — мегаполисга айланди. Ҳар қандай мегаполис шаҳарда бўлгани каби жумладан, сайёҳликни ривожлантириш ҳам босқичма-босқич амалга оширилаётган. Бинобарин, хусусий йўналишдаги сайёҳлик фирмалари кўпайиб, жаҳон сайёҳларининг жаннатмакон ўлкамизга қизиқиши сезиларли ортмоқда. Бунда, албатта, мамлакатимизда хоржий сармоядорларга яратилган қулайликлар, солиқ имтиёзлари, ҳуқуқий кафолат, соғлом рақобат ва ишбилармонлик муҳити муҳим омил бўлаётган. Таҳлилларга кўра айтиш мумкинки, сайёҳларда Бухоро, Самарқанд, Хива, Нукус, Шаҳрисабз, Қўқон, Термиз каби шаҳарлар билан бир қаторда, қадимий ва ҳаммаиша навқирон пойтахт — Тошкентга қизиқиш кўчи.

Хозирда Ўзбекистонда 400 дан ортқ хусусий туристик фирмалар фаолият кўрсатиб келмоқда, улардан 290 таси пойтахтда. Меҳмонхоналарнинг ҳам 120 таси Тошкентда жойлашган. Юртимизда инвестицион муҳитни ривожлантиришга, туризм соҳасида имтиёзлар бериш, меҳмонхоналар инфратузил-

маларини яхшилаш, дам олиш, ҳордиқ чиқариш масканларини қуришга йўналтирилган «Туризм тўғрисида», «Сугурта тўғрисида»,

дунё фани ва маданияти тараққиётга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келгани, санъат ва ҳунармандчилик усталарининг дур-

ТУРИЗМ СОҲАСИ РИВОЖИ ИСТИҚБОЛЛАРИ



«Давлат чегараси тўғрисида»ги қонунлар, ҳуқуқат қарорлари амал қилмоқда.

Кўплаб хоржий нашларда эътироф этилишича, Ўзбекистон — қулай имкониятлар юрти. Минг йиллар давомида Ўзбекистон турли цивилизациялар ривожланган ва гуллаб-яшнаган диёр бўлиб келган. Кўп асрлардан буён ўзбек халқининг буюк намоёндалари

доналари эса бу юртининг донгини бутун дунёга таратганининг гувоҳимиз. Тарихий қадимжолар, ўрта асрлар меъморчилиги намунаси бўлган улкан ёдгорликлар, ҳамма ердаги самимийлик ва меҳмондўстлик, диний бағрикенглик муҳити, айниқса, Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакилларининг тинч-тотув ва ҳамжиҳатликда яшаётгани дунё ҳамжамия-

ти учун ўрнак бўла олиши ҳақида фикрлар билдирилмоқда.

Тошкент шаҳрида туризмни ривожлантириш ҳақида сўз борганда, аввало Шайх Хованди Тоҳир, Қалдирғочбека, Юнусхон макбаралари, Ҳазрати Имом мажмуаси, Абубакир Муҳаммад Кафол Шойий, Шайх Зайниддин бобо макбаралари каби муқаддас масканлар, зиёратгоҳлар тилга олинади. Жумладан, «Тошкент» телеинорасини сайёҳлар учун янада жозибадор қилиш, ресторанларни модернизациялаш, ёдгорликларни таъмирлаш, Чилонзор, Юнусобод, Яккасарой туманларида, янги меҳмонхоналар қурилишини ўз мuddатларида тугаллаш, бир қатор меҳмонхоналарни реконструкция қилиш, обидаларни таъмирлаш-тиклаш ва ҳудудий ободонлаштириш ҳамда кўчаларнинг тартибдор ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Эътиборли томони, ушбу режаланган, лойиҳа асосидаги ишлар маҳаллий бюджет, ҳомиёлар ва тадбиркорлар маблағлари ҳисобига амалга ошириляпти. Айтиш керакки, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнида халқаро туризм соҳаси тобора жадал сурьатлар билан ривожланмоқда. Бу соҳа, айниқса, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини энг юқори, сердаромад ва динамик ҳолда ўсиб бораётган тармоқлардан бирига айлини улғурганини айтиб ўтиш зарур.

Мамлакатимизда, хусусан пойтахтимизда туристик индустриянинг шаклланиши ва ривожланиши — бу соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққий этиши билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳам ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, жойларда тарихий-археологик боғлар барпо этиш, янги сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш ҳамда тармоқнинг изчил ривожланиши учун меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш буйича кенг қўламли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Соҳада давлат сиёсатини амалга ошириш вазифалари юклатилган «Ўзбектуризм» Миллий компаниясига асос солинганига ҳам жорий йилда 20 йил тўлади.

Буюк Ипак йўли номи билан тарихга кирган, қадимги карван йўлларининг юртимиз сарҳадларидан эрамитдан аввалги II асрда ўтганлиги ҳам мамлакатимизда ҳунармандчилик, маданият, ўзига хос анъаналар ва урф-одатларнинг ўзаро уйғунлашуви ҳамда ривожланишига хизмат қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда ушбу ҳайрли анъаналар давом этмоқда.

Шавкат МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Давлат ва жаҳият қурилиш академияси тинловчиси

БИЛИМ ВА ТАШАББУС БЕЛЛАШУВИ

«Келажак овози-2012» республика кўрик-танловига аризалар қабул қилиш бошланди. Ҳужжатлар жорий йил 1 апрелга қадар топширилади.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва «Камолот» ЁУХ ҳамкорлигида анъанавий тарзда еттинчи бор ўтказилаётган танловда юртимиздаги иқтидорли йигит-қизлар иштирок этишлари мумкин. Утган йилдан бошлаб ёшлар аризаларини тўғридан-тўғри www.kelajakovozi.uz сайтида он-лайн тарзда тўлдирish имкониятига эга бўлишди.

Анъанага кўра 2005 йилдан бери ўтказилаётган танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар иходий, илмий ва ижтимоий фаолиятнинг турли йўналишлари буйича иштирок этишди.

Танловда архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализорлик тақлифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат ҳамда бадий ижод ва публицистика йўналишлари буйича ёшлар ўз иқтидорларини намоиш этиди.

Лойиҳада иштирок этиш ниятидаги ёшлар барча вилоятлардаги «Келажак овози» ЕТМ ва «Камолот» ЁУХ бўлимига уларнинг ижод намуналари, рационализорлик тақлифлари, илмий ишлари ва кашфийларини топширишлари мумкин.

Иқтидорли ёшларнинг иходий ишларини жамоатчилик кенгаши таркибига сайланган таниқли маданият ва санъат вакиллари, олимлар, профессорлар, олий ўқув юрти ректорлари, экспертлар, турли йўналишлар буйича мутахассис ва амалийчилар, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари баҳра-наҳси.

Бу йил танлов 3 босқичда ўтказилди. Биринчи босқич - аризалар қабули яъни бир неча ой мобайнида бутун республика камиз бўйлаб аризалар қабул қилинади. Иккинчиси - туман, шаҳар ва вилоят саралаш босқичи. Бунда таниқли фан, маданият ва санъат соҳаси вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари истеъдодли ва фаол ёшларни танлаб олишди. Охириги учинчи босқич республикада бўлиб ўтади.

Қувонарлиси, танлов голибларининг кейинги фаолиятлари «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Жамоатчилик кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланади. Дастур доирасида ёшларнинг энг қизиқарли лойиҳалари амалийда қўлланади, уларни ҳаётага таъбиқ этиш учун грантлар ажратилади.

Азима ҚИЁСОВА,
«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси «Д» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни Тошкент шаҳри жамоат транспортда «Мерседес-Бенц», «Исузу» русумли автобусларда ҳамда ИШЛАШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳайдовчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи — 450-850 минг сўм.

Куйидаги манзил ва телефон рақамларига мурожаат қилинг:

1. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси — Юнусобод тумани, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, телефон: 233-03-23.

2. «Тошавтобустрас» АК — Юнусобод тумани, А. Темур 1-тор кўча, 6-уй, телефон: 234-90-36.

3. «Тошэлектротранс» ДК — Юнусобод тумани, А. Темур 1-тор кўча, 6-уй, телефон: 244-24-75.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси

«КО'СНМАС МУЛК SAVDO XIZMATI» МЧК бошлангич баҳриси охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Такрорий аукцион савдоларига Юнусобод тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Жиндий ишлари буйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 5 июлдаги 19184/17-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 4-даҳа, 23-уй, 13-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдон 59,21 кв.м. бўлган, 2 та хона, айвон, ошхона, хожатхона, ҳаммомдан иборат уй-жой. **Бошлангич баҳриси — 50 562 000 сўм.**

2. Фуқаролик ишлари буйича Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманлараро судининг 2010 йил 14 октябрдаги 1-6707/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани Самарқанд дарвоза кўчаси, Аринчий берк кўча, 16/137-А уй манзилида жойлашган, умумий майдон 373 кв.м. бўлган, 3 та хона, ошхона, айвон, ертўла ва 2 та соябондан иборат уй-жой. **Бошлангич баҳриси — 71 726 353 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 6 март кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 2 март кўни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «МКОХ» МЧКнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Лицензия: RR-0001 расмий сайтимиз www.1kms.uz

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент шаҳар Назорат-тафтиш бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Улугбек Усарович Ялғашевга ақаси **Ҳолмирза Усарович ЯЛҒАШЕВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор эътади.

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиғи жамоаси ҳокимлик қошидаги «Шайхонтоҳур инвести» давлат унитар корхонаси раҳбари **Босион Ақилевич УСМОНХОНОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихор эътади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2011-2012 ўқув йили битирувчиларини ишга тақсим қилишга киришди.

Вазирликлар, қонценрлар, вилоятлар ва туманлар ҳокимиятлари, автосаноат, автотранспорт ва автотеххизмат корхоналари, автойўл ташкилотлари, касб-хунар коллежлари ва махус автотаблар раҳбарларидан, «Ватанпарвар» ташкилоти бўлиналари ва шунингдек, замонавий билимларга эга бўлган, компьютер технологияларини мукамал ўрганган, ҳар томонлама фаол битирувчиларимизга эҳтибжи бўлган бошқа ташкилотлар раҳбарларидан битирувчиларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида жорий йилнинг 3 март кўни «Карьера кўни»ни ўтказиш режалаштирилганлиги сабабли бюортмаларингизни 20 февралдан кечикмасдан 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 20-уй манзилига ёки 232-14-39 факсга ёки tad info@edu.uz электрон почтамизга, контакт реквизитларингизни кўрсатган ҳолда юборишингизни сўраймиз.

Эътиборингизга битирувчилар тўғрисидаги маълумотларни ҳавола қиламиз:

БАКАЛАВРЛАР

t/p	Таълим йўналишлари	Жами		Битирувчиларнинг доимий яшаш жойлари:																															
				Андижон		Фаргона		Наманган		Тошкент ш.		Тошкент вил.		Қ-Қ.Рес		Сирдарё		Жиззах		Самарқанд		Навоий		Қашқадарё		Сурхондарё		Бухоро		Хоразм		Бошқа давлат			
		Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт				
1	Менежмент (транспорт)	16	62	3	1	0	2	0	2	6	30	2	3	0	1	0	2	0	0	1	3	0	0	1	7	2	6	1	5	0	0	0			
2	Бинолар ва иншоотлар қурилиши (транспорт)	33	58	0	0	0	4	1	0	11	17	5	13	0	2	2	3	1	2	3	5	3	1	2	6	2	3	2	1	1	0	0			
3	Автомобиль йўллари ва аэродромлар	10	31	1	1	1	1	1	1	2	5	3	12	0	0	0	1	0	0	1	2	1	0	0	4	0	1	0	3	0	1	0	0		
4	Ер усти транспорт тизимлари (ЕУТТ)	38	##	2	3	0	5	0	6	7	28	5	22	0	0	0	0	0	4	7	22	3	3	7	19	3	10	1	5	3	6	0	0		
5	Транспорт воситаларини ишла-тиш ва таъмирлаш (ТВИТ)	47	##	2	5	0	12	3	6	10	36	6	32	1	3	3	4	2	7	9	11	1	8	4	28	2	8	2	5	2	16	0	1		
6	Атроф-муҳит муҳофазаси	15	25	0	1	0	2	1	1	6	13	1	5	1	0	1	0	0	1	1	0	1	1	2	0	1	0	0	0	1	0	0	0		
7	Сервис	10	16	1	2	0	0	1	2	2	7	0	2	0	0	0	1	0	0	1	0	0	1	1	2	0	1	0	1	0	0	0	0		
8	Электротехника, электромеханика, электротехнологиялар	9	17	1	1	0	0	0	0	0	2	5	4	4	0	0	0	1	0	0	1	0	0	0	3	1	1	0	0	1	1	0	0	0	
9	Касбга ўқитиш ЕУТТ	15	32	0	0	0	0	0	1	7	12	3	7	1	0	2	2	0	2	1	2	0	1	1	3	0	0	0	1	0	0	1	0	0	
10	Касбга ўқитиш ТВИТ	25	41	2	2	1	1	2	1	6	16	5	5	0	0	0	1	0	0	2	5	0	1	1	1	1	4	2	2	3	2	0	0	0	
11	Транспорт иншоотларидан фойдаланиш (автойўллар)	9	13	0	0	0	0	0	0	0	5	4	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	5	1	1	0	1	0	0	0	0	0	
12	Кўтариш, ташини йўл қурилиши машиналари	8	23	0	0	0	0	0	0	2	2	8	3	5	1	1	0	1	0	0	0	0	0	1	0	2	2	0	1	0	0	0	0	0	0
	Жами:	235	##	12	16	2	26	9	22	66	181	38	111	4	7	8	16	3	16	26	58	10	18	21	72	16	38	9	22	11	29	0	1		

МАГИСТРЛАР

t/p	Магистратура мутахассислиги	Жами		Битирувчиларнинг доимий яшаш жойлари:																																
				Андижон		Фаргона		Наманган		Тошкент ш.		Тошкент вил.		Қ-Қ.Рес		Сирдарё		Жиззах		Самарқанд		Навоий		Қашқадарё		Сурхондарё		Бухоро		Хоразм		Бошқа давлат				
		Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт	Бюджет	Контракт			
1	Менежмент (автотранспорт)	2	6	0	0	0	1	0	0	2	4	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	
2	Маркетинг (автотранспорт)	2	5	0	0	0	0	0	0	2	4	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
3	Йўл қурилиши машиналари	3	8	0	2	1	0	0	0	1	2	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	0	1	2	0	0	0	0	0	0	1	0	0
4	Транспортда ташини ташкил этиш ва транспорт логистикаси	2	7	0																																

ДИҚҚАТ: ЯНГИ ЛОЙИҲА! АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати, «Toshkent» телерадиоканали ДУК, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳамда «Toshkent.uz» веб-сайти Тошкент шаҳар ҳокимлиги масъул раҳбарлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлари билан ҳамкорликда «Қабул кун» лойиҳасини тақдим этди.

Энди ҳар ойда бир кун Сиз шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари, пойтахт туманлари ҳокимлари, бошқарма ва ташкилот мутасаддиларига тегишли йўналиш бўйича ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан мурожаатлар қилиш ва уларга жавоблар олиш имкониятига эга бўласиз.

2012 йил 29 февраль чоршанба кун соат 20:20 дан 21:00 гача Тошкент шаҳар ҳокимлиги Халқ таълими бош бошқармаси раҳбарияти қабул кунини ўтказди. Унда таълим соҳасидаги ислохотлар, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасаларидаги таълим сифати, педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш каби масалалар кўтарилди, соҳа ходимлари ва фуқароларнинг шу мавзуга дахлдор бўлган саволларига батафсил жавоблар берилди. Сиз ҳар кун ҳокимликнинг info@toshkent.uz электрон манзилига, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизматининг 233-13-21 телефон рақамига, 29 февраль кун соат 20:20 дан 21:00 гача «Тошкент» телерадиоканали студиясига ўрнатилган бевосита телефон рақамларига кўнгирок қилиб ўзингизни қизиқтиратган савол билан мурожаат қилишингиз мумкин. Савол ва масалаларни жўнатганда ёки ёзиб қолдирганда ўзингизнинг шахсингиз ҳақидаги маълумотларни, шунингдек, телефон рақамингизни қолдиришингизни сўраймиз. Юборилган барча масала ёки саволларга жавоблар берилди.

Азиз юрдошлар, Ватан келажаги ва равнақи йўлида ҳаммамиз масъулмиз!



Болалигим болдай ширин

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида 2011 йил якуни бўйича ҳисобот мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Дўстлик жамиятлари Кенгаши раиси С. Гулямов Кенгаш ва дўстлик жамиятларининг 2011 йил бажарилган ишлари бўйича батафсил тўхталиб ўтди.

Сўнг энг яхши фаолият кўрсатган «Ўзбекистон — Америка», «Ўзбекистон — Греция» дўстлик жамиятларининг ҳам йил давомида амалга оширилган ишлари ҳақида жамият раҳбарларининг қисқача ҳисоботи тинланди.

Тадбирда Кенгаш котибияти раҳбари ўринбосари К. Ишонходжаев дўстлик жамиятларининг 2011 йилда олиб борган фаолияти ҳақида фикр билдирар экан, эришилган ютуқлар билан биргаликда айрим суғишлаган жамиятлар ҳақида ҳам фикр билдирди. Келгусида Ўзбекистон нуфузини хорижга кенг тарғиб этишда Кенгаш ва жамиятлар фаолиятини

янада жонлантириш лозимлиги ва бу борада қандай ишларни амалга ошириш ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Тадбир сўнггида Кенгашнинг 2012 йил учун иш режаси белгилаб олинди.

Мажлисида ўттиздан ортиқ дўстлик жамиятлари раҳбарлари ва Кенгашнинг Андижон, Фарғона, Сирдарё, Хоразм ва Қорақалпоғистон вилоят бўлими вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, кўплаб нодавлат ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

М. АБДУЛЛАЕВА

Спорт янгиликлари

«ЛОКОМОТИВ»ДА ЯНГИ ФУТБОЛЧИ

Ўтган йили Фарғонанинг «Нефтчи» клуби таркибига тўп сурган моҳир футболчи, Ўзбекистон миллий ва олимпия терма жамоалари аъзоси Ислон Тўхтаўжаев айни кунларда Тошкентда.

Гап шундаки, жорий йилдан «Локомотив» жамоасига бош мураббий этиб тайинланган арманстонлик мутахассис, собиқ футбол юлдузларидан бири Хорен Оганесян Ислон Тўхтаўжаевни ўз жамоасига жалб этди. Жорий йилда ўз олдида профессионал футбол лигасида совринли ўринлардан бирига эгалик қилиш мақсадини кўйган «Локомотив» клуби мураббийлари ҳимоя чизигини мустаҳкамлаш мақсадида Ислон Тўхтаўжаев билан шартнома имзолашга муваффақ бўлишди.

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

Маълумки жорий йилда ёшлар ўртасида футбол бўйича Осиё чемпионати саралаш турнири бўлиб ўтади.

2014 йилда Бразилияда футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА

Ушбу нуфузли мусобақанинг Осиё минтақаси саралаш турнири учинчи bosқичида муваффақиятли иштирок этиб, ҳозирча пешқадам бўлиб турган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўқув-йиғин машғулотларига зўр бераётганлиги барчага маълум. Шунингдек, 29 февраль кун Япониянинг Нагоя шаҳрида жаҳон чемпионати саралаш турнири учинчи bosқичининг Япония — Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасидаги сўнгги тур гуруҳ беллашуви бўлиб ўтади. Ушбу баҳсда ҳам фақат ижобий натижа учун ҳаракат қиладиган терма жамоамиз 25 февралда сафарда Жанубий Корея миллий терма жамоаси билан назорат-ўртоқлик учрашувида қуч синашади. Ушбу йўлга имкон қадар мамлакатимиз ва хориж чемпионатларида тўп сураётган энг иқтидорли чарм тўп усталари жалб этилган. Бу ўйин футболчиларимизнинг жисмоний ва руҳий имкониятлари қай даражада эканлигини кўрсатиб беради.

Акбар Йўлдошев

Ёнгин хавфсизлиги хизмати томонидан оммавий ахборот воситалари, реклама банерлари орқали бериб борилаётган аҳоли учун зарур бўлган оголантирувчи, реклама роликларига эса аҳамият ҳам қаратмаймиз. Аммо, «Танганинг икки томони бор» деганларидек, биз катталарнинг бу бепарволигимиз эртага ўзимиз, айниқса оила аъзоларимиз учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Мана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш борасида мутасадди идоралар ҳамкорлигида жойларда турли тадбирлар, давра суҳбатлари ҳамда мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида кўргазмаларни ўтказиб келинмоқда. Бинобарин, ёнгинларнинг олдини олишда барча туманларда аҳоли ўртасида мунтазам ўтказилаётган бу каби тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти каттадир.

Шуларни инобатга олган ҳолда Бектемир тумани ИИБ ЁХБ ёнгиннинг олдини олиш бўлими ходимлари ҳам жойларда турли чиқишлар қилиб, аҳоли ўртасида суҳбатлар ўтказаётир.

Ушбу бевосита мулоқотлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида болаларга ёнгин содир бўлганда уни бартараф этишда биринчи қилинадиган ҳаракатлар ўтатиришлар томонидан тушунтириб боришда, шунингдек, бирлам-

Қорли мавсумда кўпчилигимиз қишнинг совуқ изгиринидан ҳимояланиш мақсадида ҳар хил йўللار билан уйлариимизни иситиш пайида бўламиз. Баъзан билиб, баъзан эса билмаганга олиб стандартларга тўғри келмайдиган, қолаверса махсус текширувдан ўтмаган бўлсада хонадонимизга турли иситиш мосламаларини ўрнатамиз.

«01»

ЭЪТИБОРЛИ ВА ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

чи ўт ўчириш воситалари, замонавий ўт ўчириш анжомлари ва уларни ишлатиш тартиблари кўргазмалар шаклида ўргатилмоқда.

Булардан ташқари, ота-оналарнинг эътиборсизлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра юзага келган ёнгинни ўчириш ёки олдини олишда Бектемир тумани ИИБ ЁХБ ёнгиннинг олдини олиш бўлими ходимлари аввало ўзини ҳимоялашни кичкинтой гулгунчаларга ўргатишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Уларга шундай ҳодисалар содир бўлганда биринчи навбатда нималарга

эътибор бериш кераклиги қайта-қайта ҳаётий мисоллар орқали тушунтирилмоқда.

Дарҳақиқат, доно халқимизнинг «Кўза кундамас кунда синади» накли бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ёнгин хавфсизлиги ходимларининг туну кун қилаётган бу каби саъй-ҳаракатлари эса эртага кимнингдир умрининг бевақт ҳазон бўлиши ва кўнгилсиз ҳодисанинг олди олинишида муҳим омилдир.

Элдар ИНОЯТИЛЛАЕВ,
Бектемир ТИИБ ЁХБ
инспектори, кичик сержант

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙўЛЛАРИ» ДАК
«ЎЗТЕМИРЙўЛ» ЛОҒОТИ

Barcha qulayliklarga ega bo'lgan, yuqori tezlikda harakatlanuvchi "Afrosiyob" poyezdining muntazam qatnovi yo'lga qo'yildi...

Qo'shimcha ma'lumot uchun: (99871) 299 72 16, 299 76 40, 299 73 24, 005
www.uzrailpass.uz

Периодичность движения высокоскоростного поезда "Afrosiyob" с повышенной комфортностью теперь каждый день...
Справки по телефону: (99871) 299 72 16, 299 76 40, 299 73 24, 005
www.uzrailpass.uz

Ko'lna Samarqand bo'ylab sayohatlarni tashkil qilish...
(99871) 299 71 66, 237 86 18

Организация туристических экскурсий по Самарканду...
(99871) 299 71 66, 237 86 18

www.uzrailpass.uz

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИЧ ДОМО БИНАР

ҲИКМАТ — ДИД ЧИРОҒИ ТЎРТЛИКЛАР

Ваъдага вафо виждоннинг нақши,
Сўз берсанг сўзингда
турганинг яхши.
Ўзидан кетгани ўзга тан олмас,
Инсонсан, ўзингда турганинг яхши.
* * *
Қоқилсанг тур сан, андуҳга ботма,
Ношуд дастурхонин таомин тотма.
Бургут парвозига боқмоқлик
ҳам бахт,
Чумчуқлар қасрининг пойида ётма.
* * *

Кескир деб мақтайсан,
ўзинг билмайсан,
Кўлингдаги пичоқ кимнинг ғарази.
Бепарво арчасан, парво қилмайсан,
Олма пўстлоғида, олма орази.
* * *

Юлдузлар шуъласи
кўзингга тушмас,
Ой доғин сояси юзингга тушмас.
Алардек беминнат чимдим
нур сочсанг,
Кибр ҳаволари сўзингга тушмас.
* * *

Сўзингда нур бўлса диллар очилгай,
Кўзингда нур бўлса йўллар очилгай.
Яхшилик ёрингдир ҳар ишда,
Маҳмуд,
Ортингдан дуога қўллар очилгай.
* * *

Савобни унутмоқ балки осондир,
Гуноҳни унутмоқ, билсанг гумондир.
Минг дўстинг кўнглингни
кўтарган билан,
Гуноҳинг кечгувчи ёлғиз Раҳмондир.
* * *

Орзу қистайверар, лек имкон қани?
Дардинг ўртайверар,
лек дармон қани?
Дунё бир кам деса
хушламайсан ҳеч,
Армонсиз яшаган бир шодон қани?
* * *

Куёш ҳар тонг кулиб чиқади,
Чиқишни билиб чиқади.
Зулмат отлик ёмонлик кўксин
Минг бир жойдан тилиб чиқади.
* * *

Олам остонаси қайдан бошланар,
Балки тунда ойдан бошланар.
Вале куёш ботарда айтар,
Кўнгил отлиқ сойдан бошланар.
* * *

(Давоми бор) Маҳмуд ТОИР

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

6-8 даража илиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра 18 февралда Тош-Тошкент шаҳрида 18 февраль кун ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти зарарли моддаларнинг билан ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлади. Ҳардан сел-феранг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайи-кчаси — 1 даража совуқ, 1 даража илиқ, кундузи — тағмиқдори наст бўлади.

Тошкент шаҳрида кент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратилади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайи-кчаси — 1 даража совуқ, 1 даража илиқ, кундузи — тағмиқдори наст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонар. 233-28-95,
236-57-65. Факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11698 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Буюртма Г- 241

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.50